2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

24 (626)

2008 йил 11 июнь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Бештерак қудуқлари бўш эдими?
▶ Ҳар вароғи бир товоқ олтинга тенг

3 ▶ Турғунбой муаллимнинг даромад манбаи
▶ Ғуралашсой бўйидаги гўзал макон

4 ▶ Хонанда Анвар Санаев номи Гиннес китобига кирармикан?
▶ Пойтахтнинг чор даҳаси

Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳрида «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази томонидан «Маҳалла» жамғармасининг вилоятдаги бўлинмалари масъул котиблари ва бош ҳисобчилари ҳамда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди. Семинарни жамғарманинг вилоят бўлими раиси Эркин Кўчкинов очиб берди.

ТИЗИМ ХОДИМЛАРИ УЧУН ТАДБИР

Кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобида ғоят муҳим масалалар ўртага қўйилгани, юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Қолаверса, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирдаги «Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» номли маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Тадбирда фуқаролар йиғинлари қошида тузилган ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти ҳам муҳокама этилиб, фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ЁИҲ ва ёшларга оид бошқа муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича таклифлар билдирилди. Бундан ташқари, йиғилишда «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази томонидан нашрдан чиқарилган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир китоблар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари А.Тошкулов, «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази директори ўринбосари Б.Қосимов, вилоят молия бошқармаси бошлиғи А.Файзуллаев, вилоят Меҳнат бош бошқармаси бошлиғи Б.Мерганов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Э.МУҚИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Қўшиқчиликда кўчирмачилик "урф" бўлибди.

Самарқанд вилояти

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛЛАМИЗ

Вилоятдаги «Пилла уруғчилиги» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари жорий йилда пиллакорлар билан 1463 қути «Ипакчи-1» ва «Ипакчи-2» навли ипак қуртини парваришлаш бўйича шартнома имзолаган эдилар. Айни кунларда ушбу ипак қурти ҳосилидан 73,6 тонналик уруғлик пилла хирмони бунёд этилмоқда.

Жамият жамоаси пиллачиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мақсадида Жомбой ва Пастдарғом туманларида ҳам қабул пунктларини ташкил этди. Натижада ҳосил топширишда пиллачилар учун қатор қулайликлар яратилди.

— Ипак қуртини парваришлаш осон иш эмас, — дейди Жомбой туманидаги Хўжам Низоматов номидаги элита пахта уруғлиги хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев. — Хўжалигимиз пиллакорлари 160 қути ипак қурти боқиб, ундан 8 минг 400 килограмм сифатли уруғлик пилла топширди. Клара Раббимова, Саноат Қаҳҳорова, Бекзод Дониёров ва Мавжуда Хўжақулова каби тажрибали пиллакорлар ҳар қути ипак қуртидан 80 килограммгача сифатли «кумуш тола» топширдилар.

СУРАТДА: *вилоятдаги «Пилла уруғчилиги» масъулияти чекланган жамияти ҳосилотлари Маҳкамтош Азизова ва Мунира Ҳайитова пилла сифатини кўздан кечирмоқда.*

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Қонун ижроси йўлида

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ

жойларда уларнинг ижобий ечим топишига эришилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси муҳокама қилинди.

Йиғилишда қўмита аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши раҳбарлари ва мутасаддилари, республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликларининг мутасаддилари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманнинг минтақавий вакили ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Қорақалпоғистон Республикасида мазкур Қонун ижросининг таъминланиши юзасидан қўмита аъзоси Б.Дадабоев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари К.Абдижалиевлвр ахборот бердилар.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг асосий қисмини коммунал хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, савдо, давлат ва маҳаллий органларнинг фаолияти, ишга жойлашиш сингари масалалар ташкил қилган. Энг муҳими, фуқароларнинг мурожаатларига назоратнинг кучайтирилиши натижасида улар маҳаллий ташкилотлар томонидан ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, такрор келиб тушган аризалар сони 2006 йилда 11 тани ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 5 тага камайган. Жорий йилнинг ўтган даврида эса бу борада янада ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

Йиғилишда мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан ҳамда амалда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, шу куни мазкур қўмита томонидан Нукус шаҳрида «Ижтимоий ҳамкорлик — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти» мавзусида давра суҳбати ҳам ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деб номланган маърузасида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ифода этиб, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролар йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини кучайтириш, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини ошириш лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Ушбу мақсадларни амалга оширишнинг биринчи шарти давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришдан иборат.

Тадбирда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг муҳим ҳуқуқий асослари яратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

МУХБИРИМИЗ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ — ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Тошкентда 9-10 июнь кунлари замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Конференцияда Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Индонезия, Хитой, Кувайт, Малайзия, Польша, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония каби жами 18 мамлакатдан эксперт, таҳлилчи ва журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Европа, Осиё ва Америкадан кўплаб етакчи мутахассислар қатнашгани хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларга қизиқиш кучайиб бораётганидан ёрқин далолатдир. Икки кун давом этган анжуманда экспертлар демократик жамият барпо этиш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозаларни жорий этиш масалалари ҳамда жамиятни демократик янгилаш жараёнида устувор аҳамият касб этадиган ахборот соҳасини эркинлаштиришнинг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

«Ушбу конференция Ўзбекистонда ўтказилаётган ғоят хайрли тадбирларнинг мукаддимасидир. Унда кўтарилган мавзу ЕХҲТга аъзо 56 мамлакатнинг барчаси, жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жуда муҳимдир», — деди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили Миклош Харашти анжуманнинг очилишида. Унинг фикрича, «ушбу конференция Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, демократлаштириш ва монополиядан чиқариш йўлидан изчил бораётганидан далолатдир».

Анжуманда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишига айлангани таъкидланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўлилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ушбу декларация қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жумладан, ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигида ўз ифодасини топган. Конференция иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Дастурда эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Қайд этилганидек, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида ушбу муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатга, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш масаласига бу қадар катта эътибор берилаётгани йўқ.

Бугун Ўзбекистонда мингдан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Сўнгги ўн йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сони икки баравар кўпайиб, ҳозир қарийб 900 газета ва журнал чоп этилмоқда, тўртта ахборот агентлиги, ўнлаб телерадиоканаллар, шунингдек, Интернет-агентликлари ва ахборот хизматлари ишлаб турибди. Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларининг изчил ва босқичма-босқич жорий қилиниши таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилди. Нодавлат радио ва телестанциялар, босма нашрлар ва агентликлар тармоғи жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ташкил этилди. Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатда фикрлар хилма-хиллиги ва аҳолининг сиёсий маданиятини шакллантиришга хизмат қиладиган кўп партияли матбуот ривожланмоқда. Ўзбекистон жамиятининг кўп миллатли эканлиги инобатга олиниб, 12 тилдаги газеталар чоп этилмоқда, кўп тилларда телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

«Футболимиз келажаги» турнири

Андижон вилояти

НАЙМАНЛИКЛАР ЙЎЛЛАНМАНИ НАҚД ҚИЛДИ

Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Футболимиз келажаги» турнири мусобақалари қизғин давом этмоқда.

Куни кеча вилоятнинг Избоскан туманида 9-10 ёшли болалар ўртасида турнирнинг зонал босқичи мусобақалари ўз ниҳоясига етди. Унда ушбу ёш тоифасида мусобақанинг туман ва шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган 4 та жамоа — Избоскан туманининг Майгир, Андижон туманининг Найман, Пахтаободнинг Бойкечик ҳамда Андижон шаҳрининг Султон Жўра номли маҳаллалари ёш футболчилари ўзаро беллашиш учун майдонга тушдилар.

Айтиш жоизки, ушбу ўйин натижаларига кўра, биринчи ўринни қўлга киритган жамоа турнирнинг мазкур ёш тоифасидаги якуний босқичи, яъни вилоят биринчилиги учун кечадиган мусобақаларда қатнашиш учун йўлланмага эга бўлиши керак эди.

Шу боис, ёш футболчиларнинг беллашувлари қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Унда Андижон туманининг Найман маҳалласи жамоасига тенг келадигани топилмади ва натижада найманиликлар 1-ўринни қўлга киритиб, мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, иккинчи ўрин Андижон шаҳри ва учинчи ўрин Избоскан тумани ёш футболчиларига насиб этди.

Ғолиб жамоаларга турнир ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Диққат, кўрик-танлов!

«МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН»

Айни пайтда юртимизда аҳоли яшаш масканларининг обод этилиши, замонавий гузарлар, кўркам иншоотлар қурилиши, фуқаролар, айниқса, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллиги оширилиши, касаначилик, фермерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши маҳаллаларда амалга оширилаётган замонавий ислоҳотлардан дарак берса, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта қадр топиши, асраб-авайланиши ўтмишимизга, миллий меросимизга ҳурмат ва эъзозни англатади. Шундай экан, бу ноёб тузилманинг турли қирраларини очиб бериш, фаолиятининг ўзига хос йўналишларини оммалаштириш бугунги куннинг талабидир.

Бу борада санъатнинг, хусусан, фотография санъатининг ўрни бўлак. Шу сабабдан ўтган йили «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан «Маҳалладан бошланур Ватан» номли кўрик-танлов ўтказилган эди. Жорий йилда ҳам ушбу хайрли анъанани давом эттириш мақсадида ушбу ном билан кўрик-танлов эълон қилинмоқда.

Мазкур кўрик-танлов низоми матни билан

2-саҳифада ➡ танишасиз.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ – ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Конференцияда хорижий эксперт-лар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш босқичма-босқич, изчил, тизимли ва тадрижий тарзда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Мамлакатда мустаҳкам қонуний асос шакллантирилган. У умумэътироф этилган халқаро меъёр ва андозаларга мос бўлиб, ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожлантириш учун шарт-шароит яратмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи ўндан зиёд қонун қабул қилинган. Улар орасида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар бор. Цензурага, ахборотнинг монополлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш қонунан белгиланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қоидалари соддалаштирилган. Шунингдек, журналист текшируви ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Бу шундай муҳим қонуний меъёрки, ривожланган мамлакатлар уни қонун йўли билан тасдиқлаши учун 100 йилдан ортиқ вақт керак бўлган.

«Ўзбекистонда, ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситалари ва журналистиканинг мустақиллигини таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилган, — деди Жанубий Кореяда нашр этиладиган «The Korea Post» журнали президент-ноири Ли Кёнг Сук. — Бутун мамлакатда халқингиз тараққиёт йўлида фидокорона меҳнат қилаётганини кўриш мумкин. Конференция арафасида Самарқанддаги хусусий телестанциялардан бирининг фаолияти билан танишиш имконига эга бўлдим. Мен мамлакатингизда хусусий бошқариладиган ва молиялаштириладиган оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётганини, бу эса уларнинг мустақиллигини таъминлаётганини юксак баҳолайман. Бу — Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳасида нодавлат сектори ривожланаётганидан, жамият демократик янгиланаётганидан ёрқин далолатдир».

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини яхшилаш, илғор технологиялар ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб маҳоратини ошириш масалалари давлатнинг доимий диққат-эътиборида турибди.

«Ўзбекистонда босқичма-босқич ва пухта ўйланган демократик фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бунда демократлаштиришнинг жаҳонда умумэътироф этилган асослари миллий анъаналар билан уйғунлаштирилмоқда, бу ижобий тажрибани Украинада ҳам қўллаш яхши самара берган бўлар эди, — деди Фуқаролик институтлари муаммоларини тадқиқ этиш маркази (Украина) директори Виталий Кулик. — Мамлакатингизда давлат ва Президент мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бунинг учун махсус жамоатчилик жамғармаси тузилган, электрон оммавий ахборот воситалари ва Интернет маконини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадли фармонлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, янги веб-сайтлар, мустақил телестанциялар очилмоқда. Журналист кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Демократия журналистиканинг ижтимоий масъулияти тушунчаси билан мустаҳкамланган тақдирдагина самарали бўлади».

«Сўнгги 20 йил мобайнида мен Ўзбекистонга бир неча бор келдим ва ҳар гал бу мамлакатда юз бераётган кўплаб ўзгаришлардан ҳайратга тушаман, — деди Мисрнинг «ал-Масаийя» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад Салома. — Мамлакатингизда демократия ва оммавий ахборот воситалари эркинлигининг энг ёрқин тасдиғи Президент Ислом Каримовнинг ўзи матбуот анжуманларини нақадар демократик руҳда ва очиқ ўтказишида яққол намоён бўлади. Давлатингиз раҳбари томонидан масс-медиани ривожлантириш борасида 2005 йилда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузаси назарда тутилмоқда — ЎзА) илгари сурилган ва оммавий ахборот воситаларини хусусий бизнес, тадбиркорлар ва хусусий шахслар томонидан молиялаштиришни кенгайтиришга оид таклифлари айниқса диққатга сазовордир. Бу сўз эркинлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришга хизмат қилади».

Конференция очиқ мулоқот, оммавий ахборот воситаларининг бевосита демократик ислоҳотлар билан боғлиқ фаолиятини ташкил қилиш борасида ечимини кутаётган масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш тарзида ўтди.

«Оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш имконияти берилганидан жуда мамнунман, — деди АҚШ Миллий матбуот клуби аъзоси Питер Хикмен. — Ушбу анжуманнинг ўтказилиши Ўзбекистон халқаро ҳамкорликни, жумладан, ЕХҲТдек халқаро ташкилот билан алоқаларни ривожлантиришга интилаётганига яхши мисолдир. Тошкент анжуманида кўплаб мамлакатлардан вакиллар иштирок этаётгани дунёда демократия шароитида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид масалалар юзасидан тажриба алмашишдан манфаатдорлик мавжуд эканлигини кўрсатади. Президент Ислом Каримовнинг жамиятни демократлаштиришга қаратилган ташаббуслари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Мустақил журналист сифатида Ўзбекистонда бу жараён қандай кечаётгани мени жуда қизиқтиради».

Айни вақтда, конференция иштирокчиларининг чиқишларида таъкидланганидек, сўз эркинлиги шунчаки эришиладиган мақсад эмас, балки демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартидир. У бошбошдоқликни англатмайди, фикрлар хилма-хиллиги деганда эса нафақат ўз мулоҳазаларини эркин баён этиш имконияти, балки ахборотнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги, жамиятда барқарорликни сақлаш учун масъулият ҳисси ҳам назарда тутилади.

«Барқарор ривожланишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситалари эркин бўлиши зарур ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига тўла мос келади, — деб ҳисоблайди «Дойче Велле» академияси (Германия) катта маслаҳатчиси Франк Лемке. — Бироқ ҳар қандай эркинликнинг ҳам, биринчи галда, хавфсизликни таъминлаш мақсадида, муайян чек-чегараси бўлиши лозим. Шу боис, оммавий ахборот воситалари холис ахборот бериш борасида ўз масъулиятини англаб етиши керак. Афсуски, барча мамлакатларда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. У ёки бу масалани ёритишда журналист одобини сақлаш, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан жамоатчиликнинг холис назоратини ўрнатиш муҳимдир».

Мустақил оммавий ахборот воситаларининг оёққа туриши ва ривожланиши, бутун демократик жараён каби, ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига эга бўлади, ушбу мамлакат халқининг менталитети ва миллий-маданий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, муайян тарихий шароитларда амалга оширилади, деб таъкидладилар анжуман иштирокчилари.

«Яқинда мен фақат салбий ахборотлардан, жумладан, Ўзбекистон ҳақида ҳам, иборат бўлган бир Ғарб газетасини сотиб олдим, — деди Кембриж форуми (Буюк Британия) раиси Сиддхартх Саксена. — Мамлакатингизда ижобий демократик ўзгаришлар юз бераётган, кучли демократик ҳуқуқий асос яратилган, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамда ўарб билан фойдали мулоқот қилишга, ўзаро англашув робиталарини барпо этишга интилаётган бир пайтда бундай бир томонлама ёндашув кишини ўша нашрдан юз ўгиришга мажбур қилади. Ўзбекистон самарали фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг тўғри стратегиясини белгилаб олган. Шу боис, назаримда, сўз эркинлигига биз Ўзбекистонда кўриб турган ёндашув оқилона ёндашувдир. Шуни таъкидламоқчиманки, глобал оммавий ахборот воситалари меъёр деб кўрсататаётган «универсаллик тили» маданиятлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликка раҳна солмоқда. Айрим ўарб мамлакатлари ўзларига тобе оммавий ахборот воситалари орқали анъанавий маданиятга эга мамлакатларга ўз қадриятларини тиқиштиришга уринмоқда. Уларнинг эътирозларида, одатда, мазкур мамлакатларнинг хусусияти, маданияти, анъаналари, менталитети инобатга олинмайди».

Конференцияда демократиянинг ҳаммабоп, универсал моделлари бўлмагани каби, эркин оммавий ахборот воситаларини шакллантиришнинг ҳам универсал моделлари бўлиши мумкин эмас, деган муҳим хулосага келинди. Шу билан бирга, эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш асосини ташкил этадиган умумэътироф этилган тамойиллар мавжуд. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ўзи учун демократиянинг энг олий андозаларини белгилаб олган ва шу йўналишда изчил олға интилмоқда.

«Замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, демократия моделларини бировлардан кўр-кўрона кўчириш салбий оқибатларга олиб келади, — деб ҳисоблайди Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институтининг (Исроил) таҳлил бўлими раҳбари Лев Вершинин. — Ёт, юзаки идеалларни деб бошқаларнинг тажрибасидан кўр-кўрона нусха олмаслик, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини сунъий равишда тиқиштиравермаслик керак. Бугунги кунда мутлақ мустақил оммавий ахборот воситаларининг ўзи йўқ, негаки, уларнинг барчаси амалда ўзларини молиялаштираётган куч ва тузилмаларнинг қарашларини ифода этади. Ижтимоий-сиёсий, тарихий жараёнларни бир ёқлама, нохолис ёритадиган, халқларнинг миллий ғурурини, тарихий қадриятларини таҳқирловчи материаллар тайёрлайдиган оммавий ахборот воситалари вазиятни беқарорлаштиришга, жамиятни бўлинишга олиб келиши мумкин. Демократияни барпо этиш ва ривожлантиришда, биринчи галда, Ўзбекистон тутган йўл — сиёсий тажриба ва сиёсий ирода зарур».

«Тошкентда ташкил қилинган конференция жуда долзарб ва кенг кўламли бўлиб, унда дунёнинг кўплаб давлатларидан экспертлар иштирок этдилар ва очиқ мунозаралар тоғида ўз мулоҳазаларини, қарашларини билдириш, ўз мамлакатининг тажрибаси билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлдилар, — деди Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими Чжао Хуэйжун. — Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида муайян муаммоларга дуч келади, албатта. Уларга ечим топишни бир-биримиздан ўрганиш нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар, жумладан, Хитой учун ҳам муҳим ва фойдалидир. Мен учун, айниқса, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан жадал ривожланаётгани тўғрисидаги батафсил маълумот жуда қизиқарли бўлди. Уларни эркинлаштириш учун кўп иш қилинган, қонуний асос яратилган, давлатдан мустақил бўлган телевидение, радио, газета ва журналлар очилиб, муваффақиятли ривожланмоқда. Демократиянинг ҳамма учун ягона андозаси мавжуд эмаслиги борасида барча конференция қатнашчиларининг фикри бир жойдан чиққани қувонарлидир. Ҳар бир халқ ўз маданияти, иқтисодиёти, анъаналарининг ўзига хос хусусиятларига имкон қадар тўла мос бўлган ўз йўлини танлайди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ислоҳотларни амалга оширишнинг беш тамойили ҳаётга татбиқ этилаётгани, жумладан, демократияни ривожлантиришда ҳамда оммавий ахборот воситалари эркинлигини, инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат бош ислоҳотчи сифатида намоён бўлаётгани ана шундай хайрли мақсадга хизмат қилмоқда. Менинг Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсати ва тутган йўли тўғри эканига ишончим комил».

«Оммавий ахборот воситалари — давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос робитадир, — деди Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия давлат қурилиши академиясининг сиёсатшунослик кафедраси мудираси Лидия Тимофеева. — Уларнинг эркинлиги демократиянинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ўзбекистонда бу соҳада сўнгги йилларда юз берган янгиликлардан бири — ҳам ҳукуматга қарашли, ҳам мустақил оммавий ахборот воситаларини эркин фикр билдиришга хизмат қилмоқда. Уларнинг бундан буён ривожланиши хилма-хиллик асосида кечиши керак, деб ўйлайман. Бу оммавий ахборот воситаларининг, ҳақиқатан ҳам, эркин бўлишига олиб борадиган йўлдир. Ўзбекистон матбуоти билан танишиб, мамлакатингизда журналистларнинг касб маҳорати ва эркин фикр билдириш даражаси анча юқори экан, деган хулосага келдим. Ҳозир бизда, Россияда танқид жуда кўп. Ўйлайманки, Ўзбекистон газеталари ва телевидениесидаги хотиржам ва вазмин оҳанг, нафақат муаммолар тилга олиниши, айни пайтда уларнинг ечими ҳақида ҳам сўз юритилиши — алоҳида таъкидлаш жоиз бўлган муҳим ижобий тажрибадир. Ўзбекистоннинг тажрибаси демократия барпо этаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам зарурдир».

Кувайтнинг «ал-Аламия» журнали бош муҳаррири Салоҳ Султон қуйидагиларни таъкидлади: «2007 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этар эканман, мен Ўзбекистонда кўплаб мамлакатларда учрамайдиган сўз эркинлиги мавжудлигига ишонч ҳосил қилган эдим. Бугун Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситалари кўп. Мамлакатингиз оммавий ахборот воситалари энг илғор технологиялар билан жиҳозланган. Газеталарингизни ўқидим, телекўрсатувларингизни томоша қилдим ва Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари, ҳақиқатан ҳам, эркин бўлиб, барча мавзуларда сўз юритишига амин бўлдим. Сайлов пайтида унда иштирок этган барча партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилганига гувоҳ бўлдим».

АҚШнинг Янги демократиялар институти директори Мьюша Север қайд этганидек, миллий хавфсизлик, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш ўртасида мувозанат сақлаш жуда муҳим. Ўзи ҳам журналист сифатида у оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мезонлари жамият манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди. «Жаҳон ҳамжамияти мамлакатингиз раҳбариятининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини кенг нишонлаш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашга тайёр. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ҳукумат билан фуқаролик жамияти ўртасида очиқ мулоқот, ҳамкорлик ривожланишига хизмат қилади. Бу жараёнда «тўртинчи ҳокимият» — оммавий ахборот воситалари иштирок этса, ўзаро англашувга эришиш янада тезлашади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганига, жумладан, улар давлат тузилмаларининг янада яхши ишлашига кўмаклашаётганига гувоҳ бўлдим», — деди М.Север. У оммавий ахборот воситалари билан давлат тузилмаларининг матбуот хизматлари ўртасида янада яқин алоқа ўрнатиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Конференцияда миллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Унда иштирок этган эксперт ва таҳлилчилар фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлашга қаратилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш борасида ўз мамлакатида тўпланган тажриба билан ўртоқлашдилар.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Ташаббуснинг қаноти бор

Қашқадарё вилояти

Китоб туманидаги Хўжаиликони ва Бештерак қишлоқлари аҳолисининг ташаббуси ҳамда ҳомийлар кўмаги билан иккита муҳим лойиҳа амалга оширилди.

ХЎЖАИЛИКОНИга газ, БЕШТЕРАКка сув келди

Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган мазкур тадбирлар натижасида умумий қиймати 35,5 миллион сўмга тенг лойиҳа амалга оширилиб, 478 та хонадонга табиий газ тармоғи тортилди. Зарур материалларни сотиб олиш учун лойиҳа қийматининг 27,7 фоизи сарфланди. Ушбу маблағ БМТ Тараққиёт дастури томонидан қопланган бўлса, транспорт воситалари, қурилиш агрегатлари ҳамда иш ҳақи учун сарфланган маблағни қишлоқ аҳолиси ўз зиммасига олди. Эътиборлиси, бунёдкорлик ишларининг маълум қисми ҳашар йўли билан амалга оширилди. Хуллас, қисқа вақт ичида Хўжаиликонидаги 2,5 мингдан зиёд хонадон, тиббиёт ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари газлаштирилди.

Бештерак қишлоғида эса узоқ вақт ишлатилмаганлиги сабабли кўмилиб ётган артезиан қудуқлари реконструкция қилиниб, ичимлик суви тармоғи тикланди. Натижада қишлоқдаги 120 та хонадон ва таълим-тарбия муассасалари тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

Қувончли томони шундаки, Хўжаиликони ва Бештерак қишлоқлари аҳолисининг ташаббуси ва ҳамжиҳатлиги кўшни қишлоқликларда ҳам катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг хайрли ишларга рағбатларини ошириб юборди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

“BIO-SUT”дан хушхабар пишлоқлар

Тошкент вилояти



Қибрай туманидаги Арғил қишлоғи ҳудудида фаолият юритаётган “BIO-SUT” Ўзбекистон—Германия қўшма корхонасида 18 хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, “BIO-SUT”да ишлаб чиқарилаётган турли хил пишлоқлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Қўшма корхона Арғил қишлоғида ва унга қўшни маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган чорвачилик фермер хўжаликларидан сут сотиб олмоқда.

Қўшма корхона ишга тушиши билан 14 та қўшимча иш ўринлари ташкил бўлди.

СУРАТДА: “BIO-SUT” *ходими Маҳамаджон Орипов.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Диққат, кўрик-танлов!

«Маҳалладан бошланур Ватан» республика фото кўрик-танлови НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

«Маҳалладан бошланур Ватан» республика фото кўрик-танловининг асосий мақсади маҳалла ўзбек халқининг тарихан шаклланган миллий қадрияти эканлигини, мустақиллик йилларида маҳаллаларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг амалиёти ва унинг натижалари, оилалар, қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабатлар, ёшлар тарбияси, маҳаллалар ривожланишининг ҳуқуқий асослари ва уларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини ҳаётга жорий қилиш, маҳаллалар фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки, шунингдек, маҳалла фаолияти билан боғлиқ барча йўналишларни фотография санъати орқали ифода этишга қаратилган.

Кўрик-танловда республикамизнинг барча ҳудудларидан профессионал ва ҳаваскор фотосуратчилар, шунингдек, чет эл фотосуратчилари маҳалла мавзусига оид фотосуратлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танлов якуни бўйича кўргазма ташкил қилиниб, ғолиблар мукофотланади ҳамда рангли каталог нашр этилади. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳам кўргазма экспозицияси асосида кўчма кўргазмалар ташкил этилади.

II. Кўрик-танлов таъсисчилари ва ташкилотчилари

Кўрик-танлов таъсисчилари Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва Ўзбекистон Бадиий Академияси.

Кўрик-танловни Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамда «Mahalla» газетаси таҳририяти ташкил этади. Танловга тақдим этилган фото материаллар сараланиб, «Mahalla» газетаси ва «Санъат» журнали саҳифаларида чоп этиб борилади.

III. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танловга 20х30 см дан 30х40 см ўлчамгача бўлган рангли ва оқ-қора фотосуратлар қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун ҳар бир муаллиф иловада келтирилган шакл бўйича ариза тўлдиради. Ҳар бир муаллиф 10 тагача фотосуратлари билан қатнашиши мумкин.

Кўрик-танловда қатнашиш истагини билдирган фотосуратчилар ўз фотография ишлари ва тўлдирган аризаларини «Маҳалладан бошланур Ватан» кўрик-танловига» деган қайд билан қуйидаги манзиллардан бирига юборадилар:

100000 Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 6-уй. Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви.

Тошкент ш., Й.Охунбобоев номидаги кўча, 4. Тошкент Фотосуратлар уйи.

Маълумот учун телефонлар:

236-37-66 — «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви.

233-51-69 — Тошкент Фотосуратлар уйи.

Танловга қабул қилинган фотосуратлар эгаларига қайтарилмайди.

Мазкур фотосуратлар кейинчалик ҳам ташкилотчилар томонидан турли мавзудаги кўргазмаларда, муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда намойиш этилиши мумкин.

IV. Кўрик-танловни ўтказиш жойи

Кўрик-танлов Тошкент Фотосуратлар уйида ўтказилади. Танлов асосида ташкил этиладиган кўргазма дастлаб Тошкент Фотосуратлар уйида, кўчма кўргазмалар эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидаги махсус санъат залларида намойиш этилади.

V. Кўрик-танловни ўтказиш вақти

Кўрик-танлов 2008 йил 1 октябрдан эълон қилинади.

Кўрик-танловда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар қабули 2008 йил 15 ноябрда тугатилади.

Кўрик-танлов якунлари 2008 йил 1 декабрда эълон қилинади.

Асосий кўргазмани ўтказиш ва тақдимот муддати 2008 йил 1 декабрдан 31 декабргача.

Кўчма кўргазмалар 2009 йилнинг 12 январидан 31 августигача ташкил этилади.

VI. Кўрик-танлов ҳайъати

Ҳайъат махсус ишчи орган бўлиб, унинг таркибига маҳоратли (профессионал) фотограф ва «Маҳалла» жамғармаси вакилларидан ташкил топган 5 нафар киши киради.

Ҳайъат таркиби кўрик-танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

Кўрик-танловга тақдим этилган фотосуратлардан 150 та энг яхшиси ҳайъат томонидан танлаб олинади ва улар танловнинг якуний кўргазмасида намойиш этилади.

VII. Мукофотлар

Кўрик-танловда энг юқори баҳога сазовор бўлган фотосуратчилар иши Гран-при дипломи ва эсдалик совғаси билан тақдирланади.

Кўрик-танловда 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган фотосуратлар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

«Маҳалладан бошланур Ватан» республика фото кўрик-танловида қатнашиш учун

АРИЗА

	Фамилияси, исми ва шарифи		
	Туғилган йили ва санаси		
	Яшаш манзили ва маҳалласи номи		
	Тел/факс		
	Электрон почта манзили		
	Иш жойи ва лавозими		
	Кўрик-танловга юбориладиган фотосуратлар сони ва номи		

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____
10. _____

(йил ва ой) (имзо)

Наманган вилояти

Иш билганга, балли!

...Турғунбой муаллим томорқасидан қишин-ёзин ҳосил олиб, мўмай фойда кўраётган эмиш. Иссиқхонасида етиштирган кўчатлардан маҳалладошларига ҳам тарқатиб, уларнинг дуосини олибди...

МУАЛЛИМ ҚУРГАН ИССИҚХОНА

Мингбулоқ аҳлини қишин-ёзин замин неъматларидан баҳраманд этиб келмоқда

Бу гапларни эшитгач, ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор муаллим билан яқинроқ танишишни дилга тугиб, Мингбулоқ тумани Олтинкўл қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ўзгариш маҳалласи томон йўл олдик. Турғунбой Раҳмонов узоқ йиллардан буён мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ беради. Муаллимнинг ҳовлисига қадам қўйишимиз билан димоғимизга садарайҳоннинг хушбўй иси урилди. Унча катта бўлмаган томорқа бетон тўсиқчалар ёрдамида кичик-кичик майдончаларга ажратилган. Бу майдончаларга зарур жиҳозлар ўрнатилса, қишда иссиқхона вазифасини ўтар экан. Томорқанинг бир тарафида яшнаб турган карам, булғор қалампири ва турли-туман гул кўчатлари, иккинчи томонда эса қип-қизариб пишган помидорлар кишининг ҳавасини келтиради.

Хонадон соҳибининг ўғли Муҳаммадсолиҳнинг таъкидлашича, оила жорий йилда иссиқхонадан 2 миллион сўм соф даромад олибди. Бундан ташқари, Турғунбой ака маҳалладаги ҳар бир хонадонга 300 тупдан помидор, мактабга эса гул кўчатларини бепул тарқатибди.

— Оиламиз аъзоларининг ҳаммаси томорқада иш билан банд, — дейди оила бекаси Холпошша опа. — Худога шукр, меҳнат қилиб кам бўлмаяпмиз. 6 сотих ерда йилига уч-тўрт марта ҳосил етиштирамиз. Олаётган фойдамиз ҳам шунга яраша.

Сир эмас, бу йил деҳқончиликда сув масаласида бироз қийинчиликлар кузатилди. Бироқ излаган имкон топар, дейишгани рост экан. Турғунбой ака сув муаммосини бартараф этишнинг йўлини топди — экинларни ҳовлисидаги қудуқ орқали суғоряпти. Раҳмоновлар оиласида нафақат томорқа хўжалиги, балки чорвачилик ҳам яхши йўлга қўйилган.

Хайрли иш бошқаларда ҳам қизиқиш уйғотиб, ортидан эрғаштирар экан. Муаллимга ҳавас қилиб, иш бошлаган Д.Бўронов, А.Абдураҳмонов, А.Тўйчиев, О.Раҳмонов сингари маҳалладошлар ҳам ўз томорқаларидаги иссиқхонадан йилига 1,5-2 миллион сўм даромад кўришяпти.

Довдуқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тўпсада маҳалласида истиқомат қилувчи Қурвонбой Бозоров ҳам ўз томорқасида ибратга лойиқ ишлар қилмоқда. У 2 сотихли иссиқхонада бодринг ва помидор етиштириб, яхшигина даромад олди.

— Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда бозорларимизни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бойитишда шахсий томорқа хўжаликларининг аҳамияти катта. Шундан келиб чиқиб, томорқадан унумли фойдаланиш бўйича туман ва вилоят миқёсида семинарлар ўтказдик, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Мингбулоқ тумани бўлинмаси раиси Маъсуда Саидмуродова. — Натижа эса ёмон бўлмаяпти. Бугун туманимиздаги кўплаб фуқаролар шахсий томорқаларидан унумли фойдаланиб, моддий манфаат кўришяпти.

Туманнинг Олтинкўл, Гуртепа, Довдуқ қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли Ўртақишлоқ, Мулкобод, Тегирмонбоши, Серҳаракат, Пахтакор, Ҳайитобод маҳаллаларида ҳам томорқанинг афзаллигини билган, даромадининг «мазаси»ни тотган юртдошларимиз сони йилдан йилга ортиб боряпти.

Ҳа, мингбулоқлик соҳибкорларнинг томорқаларида мевали дарахтлар, сабзавот ва полиз экинлари барқ уриб ўсмоқда. Бу эса дастурхонларимиз тўкинлиги гаровидир.

Мирзадавлат ЮНУСОВ

Шу азиз Ватан — барчамизники

ДЎСТЛИК ФОРУМИ

«Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ, Фарғона туманида «Аёллар ва ёшлар гиёҳвандлик, жиноятчилик ҳамда терроризмга қарши» шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда тегишли муассаса, идора ва ташкилотлар вакиллари, илғор ёшлар, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Фарғона вилояти



Форумда юртимизда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш борасидаги ишлар, ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида сўз юритилди. Улар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик сингари иллатларга қарши курашиш устувор вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўқувчи-ёшларнинг ушбу мавзулар акс эттирилган суратлар кўргазмалари, саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди. «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуида ўтказилган иншолар танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ҳарбийларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

СУРАТЛАРДА: *дўстлик форумидан лавҳалар.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Олам турфа

«ЎРГИМЧАК ОДАМ» ЯНА ТОМТА ЧИҚДИ

Франциялик Ален Робер ҳеч қандай мосламаларсиз осмонўпар биноларга тармашиб чиқиш бўйича дунёнинг энг машҳур кишиси ҳисобланади. У ўзининг «Ўргимчак одам» деган лақабига муносиб эканини ботбот исботлаб туради. Яқинда у яна бир осмонўпар бинони «забт этди». Ален Робер бу сафар «Нью-Йорк Таймс» газетаси таҳририяти жойлашган 52 қаватли бинога кўтарилди, дея хабар тарқатди НТВ телеканали.

«Ўргимчак одам» навбатдаги «ўрмалашини» глобал иқлим ўзгариши муаммосига бағишлади. У ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда табиатда ва жамиятдаги ўзгаришларга шу тариқа муносабат билдирмоқда.

Қўзланган маррага чиқа туриб Робер қуйидаги сўзлар ёзилган транспарантни ғаройиб томошага йиғилган халойиққа намойиш қилди: «Иқлим ўзгариши оқибатида ҳар ҳафтада 11 сентябрь воқеаларида ҳалок бўлгандан ҳам кўпроқ одам нобуд бўлмоқда.

Осмонўпар биноларни забт этиш менинг ишим. Бироқ мақсадим бу борада фақатгина муваффақият қозониш эмас, балки яна бир синовни енгиб ўтишдир.»

Ален маррага кўтарилиши билан полициячилар уни дарҳол қўлга олишди. Ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари бу сафар ҳам бино тепасида уни кутиб туришган экан.

Табиат ажойиботлари

Жиззах вилояти

ТИЗМАЛАРГА ТУТАШ ЎРМОН

Вилоят ҳудудидаги Зомин давлат қўриқхонаси ноёб табиий арчазорлар, ҳайвонот дунёсини сақлаш мақсадида бундан роппароса 80 йил аввал туманнинг Ғуралашсой дарёси ҳавзасида ташкил қилинган эди. Ўшанда ушбу қўриқхонага тўрт минг гектар атрофида ер ажратиб берилди.

Ҳозирги кунда қўриқхонанинг умумий майдони 26840 гектарни ташкил этади, шундан 22135 гектари ўрмон билан қопланган.

Қўриқхона ерлари таркибига асосан тоғ тизмалари киради. Улар денгиз сатҳидан 1760 метрдан 3500 метргача баландликда жойлашган бўлиб, уч ҳудудни — тоғларнинг қуйи, ўрта ва баланд қисмларини ўз ичига олади. Қўриқхона ҳудудининг жанубий қисми Туркистон тоғ тизмасининг тик жарликларидан иборат. Шимолий қисми эса нотекис рельефли супалардан ташкил топган тупроқ қатламлари билан қопланган.

Қўриқхона ҳудудида Зомин дарёсининг ирмоғи Кўлсой ва Сангзор дарёсининг ирмоғи Ғуралашсой дарёлари оқади. Бу ерда қора арча, ўрик арча ва савр арчалари ўсади. Арчазорлар атрофида дўлана, учқат, қорақанд, пуфалаг, ирғай каби бута ва дарахтлар ҳам мавжуд.

Қўриқхона ташкил этилганидан буён бу ерда олтмишдан ортиқ ботаника, зоология, гидрология, энтомология ва ўрмон хўжалигига оид илмий-текшириш ишлари олиб борилган. Аммо қўриқхона иши, ундаги илмий ишлар бир зайлда давом этмаган. Давр тақозоси билан ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида қўриқхонадан амалий мақсадларда фойдаланиш ғояси илгари сурилди, яъни тоғ қўриқхоналари халқ хўжалиги муаммоларини ечиши лозим деб топилди. Натижада қўриқхона шароитига мос бўлмаган фаолият юритилиб, арчазорлардан қалам чўплари ишлаб чиқариш учун фойдаланилди.

1931 йилда эса қўриқхонадан тутқун ва чала тутқун ҳолда қўёнлар боқишга кўрсатма берилди. Кўлсойда 18 гектар майдон сим тўрлар билан ўралиб, қўён боқишга киришилди. Шу йилнинг ўзида, ушбу жониворлар ўтсимон ўсимликларни ва ҳаттоки арча шохларини ҳам кемириб ташлаганидан сўнг қўён боқиш тўхтатилди ҳамда қўриқхонанинг иш фаолияти 1934 йилга келиб тугатилди. Қўриқхона фидойи инсонлар ва олимларнинг саъй-ҳаракати натижасида 1937 йилда Ғуралаш номи билан қайта тикланди. Бироқ орадан яна ўн тўрт йил ўтгач, «илмий аҳамиятга эга бўлмаганлиги учун» унинг фаолияти тўхтатилди.

Шундан сўнг тўққиз йил давомида бу ҳудуд Жиззах ўрмон хўжалигининг давлат ўрмон фонди таркибига киритилди. 1960 йили қўриқхона «Зомин тоғ арчазорлари қўриқхонаси» номи билан қайтадан таркиб топди.

Зомин давлат қўриқхонасида 2004 йилдан Жиззах давлат педагогика институти олимлари билан ҳамкорликда ўсимлик турларини тоифалаш ва ўрганиш ишлари бошланиб, камёб ўсимлик турларининг сони, учраш жойлари, кўпайишининг аҳволини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, гербарийлар йиғилиб, қўриқхона фондига киритилди. Олиб борилган тадқиқотлар ва мавжуд адабиётлардаги қўлланмаларга асосланиб ўсимлик оламининг турлари, сони ва таркиби аниқланди.

Қўриқхонамиз ҳудудида 16 оилага мансуб бўлган ноёб ўсимликлар борлиги бизнинг катта ютуғимиз. Улардан доридармонлар тайёрлашда кенг фойдаланилмоқда. Мазкур ҳудудда ўсимликларнинг асосан учта типи аниқланган. Булар — дашт ўсимликлари, ўрмон, дарахт-бута ўсимликлари, тоғнинг баланд қисмида ўсадиган альп ва субальп ўсимликлари. Зомин давлат қўриқхонаси ҳудудида 59 оилага мансуб, 312 туркумга кирувчи 660 тур камёб ўсимликлар ўсади. Шу жумладан, уларнинг 13 тури «Қизил китоб»га киритилган, 48 тури эса ғарбий Туркистон эндемиклари ҳисобланади.

Қўриқхонада 400 дан ортиқ доривор ўсимликлар ўсади. Бу ерда манзарали, озуқабоп, ширали ва ем-хашак сифатида ишлатиладиган ўсимлик турлари ҳам анча сероб. Манзарали ўсимликлардан исфарак, ширач, лол, пуфанак, омонқора, крокуслар мавжуд.

Қўриқхонанинг энг томошабоп жойларидан бири — Қизил этаксой майдонида жойлашган баланд, катта сфинксларни эслатувчи қизил қоя тошларидир. Ушбу тошлар қум ва конгломератлардан таркиб топган бўлиб, афсонавий одам ва шерсифат кишиларнинг бош қисмини эслатади. Маҳаллий халқ бу жойни «Қирққиз» деб атайди. Одамлар ўртасида бу ҳақда кўпгина ривоятлар тарқалган. Шунингдек, бу ҳудудда «Чортанги», «Сайровчи дара», «Сават кўтарган кампир» ҳамда «Тошкуёв» деб номланган афсонавий жойлар ҳам бор.

Яшилликлар бағридаги бебаҳо бойлик ҳисобланмиш ушбу давлат қўриқхонасини, у ердаги табиий оламни, ҳайвонот дунёсини асраш, нафақат қўриқхона ходимлари ҳамда олимлар ва мутахассисларнинг, балки табиат ажойиботларидан баҳраманд бўлишни истаган ҳар бир кишининг бурчига айланмоғи лозим. Зеро, биз табиатни асрасак, табиат ҳам ўз навбатида биз одамларни асрайди.

Умаркул РАҲМОНҚУЛОВ,
Зомин давлат қўриқхонаси директори ўринбосари.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ТУРКИЯ:

КУРД ЖАНГАРИЛАРИГА ЗАРБА БЕРИЛДИ

Туркия мамлакати курд айирмачиларининг Ироқда жойлашган манзилларига ҳужум қилди. Ироқ ҳукуматининг хабар беришича, курд жангариларининг лагерлари жойлашган мамлакат шимолидаги тоғли туманларга авиазарба берилган.

Курд ҳарбийлашган тузилмасининг вакили Жаббор Яварнинг сўзларига кўра, Туркия ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Курдистоннинг Дахук вилоятида жойлашган Нерва Ва Рекан қишлоғи яқинидаги ҳудудга ҳужум қилган. Ҳужум оқибатида зарар кўрганлар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Туркия томонидан Курдистон Ишчилар партияси (КИП) жангариларига қарши доимий равишда уюштирилаётган ҳужумларга КИП айирмачиларининг тобора авж олиб бораётган террорчилик ҳаракатлари сабаб бўлмоқда. 1984 йилдан буён давом этиб келаётган турк-курд можаролари оқибатида 40 минг нафар одам ҳалок бўлган.

ХИТОЙ:

БЭЙЧУАНЬ СУВ ОСТИДА ҚОЛДИ

Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, хитойлик ҳарбийлар Сичуандаги зилзила оқибатида ҳосил бўлган Танцзяшань кўлидаги сувни камайтиришга муваффақ бўлишди.

Агентликнинг маълумотларига кўра, ҳарбийлар кўлнинг иккита жойини портлатиш натижасида авваллоқ қурилган дренаж каналини кенгайтиришди. Бунинг самараси ўлароқ, Танцзяшань кўлида сув сатҳи 13 метрга пасайган. Бироқ Бэйчуань шаҳрининг бир қисми кўлдан оқиб чиққан лойқа сув остида қолди. Муҳими, бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш мақсадида шаҳар аҳолиси бироз олдинроқ эвакуация қилинган эди.

Эслатиб ўтамиз, Сичуандаги зилзиладан сўнг ҳудудда 30 дан ортиқ кўллар ҳосил бўлган. Танцзяшань улардан энг йириги бўлиб, унда 140 миллион метр куб сув йиғилган эди. Устига-устак, кўлнинг суви бир кеча-кундузда 1-1,5 метрга кўтарилиб бораётган эди. Кўлдан қуйирокда жойлашган аҳоли пунктининг сув остида қолиб кетиши хавфи мавжуд бўлгани сабабли 1,3 миллион нафар киши бошқа жойга кўчирилди.

ГРЕЦИЯ:

ЗИЛЗИЛА ЯНА ТАКРОРЛАНИШИ МУМКИН

Сейсмологларнинг Грециядa кучли ер силкиниши яна такрорланиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантирувидан сўнг мамлакатнинг жануби-шарқидаги учта қишлоқ аҳолиси эвакуация қилинди, дея хабар беради АР агентлиги.

Душанба куни Пелопоннес яриморолида Рихтер шкаласи бўйича 4,7 баллдан ошмаган ер силкиниши қайд этилган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, яқин кунларда Грециянинг жануби-шарқида 5,5 баллгача зилзила кузатилиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимият томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, 9 июнь куни содир бўлган 6,5 баллик зилзиладан сўнг 260 нафар киши шифохонага мурожаат қилган. Шунингдек, табиий офат оқибатида Элида ва Ахайя вилоятларидаги мингга яқин аҳоли турар-жойига турли даражада талофат етган. Қулаб тушадиган аҳволга келиб қолган бир нечта кўпқаватли уйларда яшаётган аҳоли маълум муддатга бошқа жойга кўчирилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Мавсум

Қорақалпоғистон Республикаси

Доннинг омбордагиси ҳисоб

Ўтган қиш фаслининг сурункали давом этган қаҳратон совуғи, баҳор фаслидаги сув тақчиллиги қорақалпоғистонлик деҳқонларга талайгина муаммо туғдирди.

Ана шундай мураккаб об-ҳаво шароити республика ҳудудидаги 53 минг гектар ерга экилган кузги буғдойнинг нормал ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади, албатта. Шу боис деҳқон-фермерлар далаларга ҳар қачонгидан кўпроқ маҳаллий ўғит солиб, экинларни уч марта супсензия билан барг орқали озиқлантиришди. Ғаллакорларнинг қилган меҳнатлари, албатта, зое кетмади.

Ҳосилнинг даладагиси эмас, омбордагиси нақд эканини яхши англаган "Тўрткўлдон", "Нукусдон", "Тахиатошдон", "Қўнғиротдон" ҳиссадорлик жамиятлари ва барча туманлардаги дон қабул қилиш шохобчаларида мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Хусусан, "Қўнғиротдон" ҳиссадорлик жамияти жамоаси жорий йилда биринчилардан бўлиб Шўманой, Қонликўл, Қўнғирот ва Мўйноқ туманларидаги 1574 фермер хўжаликлари билан шартнома имзолаб, 12893 тонна "Қирмизидон" навли ғаллани қабул қилишни режалаштирди. Бунинг учун эса дон сақловчи махсус омборхоналар, ғаллани қайта ишлаш техникалари, ўт ўчириш анжомлари ва тош-торозилар тахт қилиб қўйилган.

Айни пайтда Оролбўйидаги барча ғаллакорликка ихтисослашган хўжаликларда ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилиб, ўриб-йиғиб олинган ҳосил тайёрлов идораларига топширилмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Жиноят ва жазо

Сирдарё вилояти

Фирибгар аввал шод, кейин фош бўлди

ёхуд гаровдаги трактор ғавғоси

...Абдуфатто Оталиқов ўзини қилни қирқ ёрадиган устомон кимсалар сирасига қўшиб келар, баъзан бундан мағрурланиб ҳам қўярди. Таниш-билишлари ҳам у ҳақда гап кетганда «Бу киши макр-ҳийла бобида шайтонга ҳам дарс беради-я», дейишарди.

Абдуфатто «Муштарий» хусусий фирмасини очиб, бинойидек фаолият юритаётган эди. Бироқ фирмадан келадиган даромад унинг ҳакалак отган нафсини қониқтирмагани туфайли бойишнинг антиқа усулини ўйлаб топди. Режасини амалга ошириш учун эса турмуш ўртоғи Одинахон Эрматова билан жиноий ишни режалаштирди.

Гап шундаки, Абдуфатто турмуш ўртоғи номига «Сирдарё махсус сув дренаж» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 1987 йилда ишлаб чиқарилган «К-701» русумли тракторни Янгиер шаҳри «Давтехназорат» инспекцияси номидан ноқонуний йўл билан расмийлаштириб, техпаспорт олишга муваффақ бўлди. У трактордан кейинги жиноий режаларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланди. Яъни 2006 йилнинг май ойида вилоятда фаолият кўрсатаётган «Омад» кредит уюшмасидан тракторни таъмирлаш мақсадида 3 миллион 200 минг сўм кредитни қисқа муддат ичида олишга эришди. Тракторнинг қалбаки ҳужжатларини эса гаров сифатида тақдим этди. Олинган маблағни тез орада шахсий манфаатлари йўлида харжлаб юборди.

Текиндан келган бойлик Абдуфаттога ёқиб қолди шекилли, у яна алдов ва фирибга зўр берди. Бу гал фуқаро Б.Шомировдан тракторнинг қалбаки ҳужжатини гаровга қўйиб, 1 миллион 300 минг сўм пул олди.

Бироқ кўза кунда эмас, кунида синади, деганлари рост экан. Кишиларни лақиллатишда Алдар кўсани ҳам ярим йўлда қолдириб кетган фирибгарнинг фаолиятига чек қўйилди. Унинг жиноий ҳаракатларини фош этиш ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун қийин кечмади. Фирибгар қилмишига яраша жазо олди.

Нафсим менинг балодур, ёнган ўтга солодур, деб шунга айтсалар керак-да. Йўқса, эллик ёшни қоралаб қўйган бу кимсалар фарзандлари ва набираларига ўрнак бўлиш ўрнига нопок ишларга қўл уриб юришармиди?

Ғайрат ШОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларни ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Мирзаобод тумани бўлими бошлиғи.

Бухоро вилояти

Ёшлар камолоти йўлида

БЎСТОНнинг МАЙДОНЧАСИ

Ўтган йили вилоятдаги 12 та маҳалла ҳудудида спорт майдончаларини янгидан қуриб фойдаланишга топшириш, 7 та маҳалладаги мавжуд спорт майдончаларини эса қайта таъмирлаш режалаштирилган эди.

Олот туманидаги Чорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Бўстон қишлоғида бунёд этилган спорт майдончаси шулардан биридир. Бугунги кунда мазкур майдонча маҳалла ёшларининг энг севимли масканларидан бирига айланган. Бу ерда спортнинг футбол, волейбол, миллий кураш турлари билан шуғулланиш учун барча қулайликлар мавжуд. «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси томонидан олиб берилган замонавий спорт жиҳозлари болажонларнинг жисмонан баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, спортсевар тадбиркор Убайдулло Раҳматов ҳамда йиғин раиси Искандар Шариповнинг ташаббуси билан қишлоқ ёшлари ўртасида мунтазам равишда турли мусобақалар ўтказиб турилади. Юз нафардан зиёд ёшлар эса майдонча қошида фаолият юритаётган тўгаракларга қатнашишмоқда.

— Ушбу спорт майдончасининг барпо этилишида Туман машина трактор парки акциядорлик жамияти, автомобил йўлларидан фойдаланиш бўлими ҳамда маҳалла фаолларининг ҳам кўмаги катта бўлди, — дейди йиғин раиси И.Шарипов.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ТОШКЕНТнинг ТЎРТ ДАҲАСИ

«Даҳа» сўзи қадимги сўғд тилида «деҳа», яъни қишлоқ маъносини билдириб, шаҳарнинг бир қисми, маъмурий бўлинмаси каби маъноларда қўлланилади. Тошкент шаҳри ва ривожланиши ҳудуди кенгайиши натижасида маҳаллалар сони ҳам ортиб борган. Натижада шаҳар XVIII асрнинг ўрталарига келиб, Бешёғоч (Зангиота), Себзор (Коффол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин) ва Шайхонтоҳур деб аталувчи тўрт даҳага бўлинган.

Майдони жиҳатидан энг йирик даҳа бўлган Шайхонтоҳур шаҳарнинг шарқида, ҳозирги Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган. У Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли Шайх Ховандн Тоҳур (XIV аср) номи билан аталган бўлиб, Бешёғоч, Кўкча, Себзор даҳаларига туташ бўлган. Чегараси шимолдан Жангоб ариғи, ғарбдан Бешёғоч-Хадра йўналиши бўйлаб ўтган. Архив ҳужжатларидаги маълумотларга қараганда, XIX асрнинг 70-йилларига келиб, даҳанинг 46 та маҳалласидаги 3030 та хонадонда 10200 нафар аҳоли истиқомат қилган. Аҳолиси асосан тўқувчилик, мисгарлик, эгарчилик, дурадгорлик, бўёқчилик, жувозкашлик, тегирмончилик, боғдорчилик, савдо-сотиқ, дегрезлик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Даҳада 570 та тўқувчилик, 100 та эгарчилик, 20 та чўян қуйиш (дегрезлик) ва 47 та дурадгорлик корхонаси ишлаб турган. Аҳолининг шаҳар ташқарисидаги 4370 таноб ерида эса шоли ва ғалла экилган.

Шайхонтоҳурлик ҳунармандлар сифатли ва мустаҳкам буюмлар ясашган. Улар томонидан тайёрланган буюмлар XIX асрнинг охири XX аср бошларида Тошкент, Москва, Петербург, Париж, Лондон, Вена каби шаҳарларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда юксак баҳоланган.

Даҳада 60 та масжид ва 3 та мадраса фаолият кўрсатган. 1458 йилда Хўжа Аҳрор, XVI асрда Кўкалдош мадрасаси барпо этилган. Шунингдек, Эшонқули додхоҳ мадрасаси, Шайх Зайниддин бобо мақбараси, машҳур Кўймас, Кўқон ва Қашқар дарвозалари, қадимий Чорсу бозори, кўплаб тарихий жойлар, қабристон, мақбара, карвонсарой, тегирмон, жувозхона, ҳаммом, чойхона ва сайилгоҳлар ҳам даҳа ҳудудидан жой олган. XV асрда Чиллахона, Ҳазрати Мир ва Юнусхон мақбаралари ҳам қад кўтарган.

Кейинги йилларда даҳадаги эгри-бугри, тор кўчалар ўрнида кенг ва равон йўллар, янги турар-жой ва маъмурий бинолар, спорт комплекслари бунёд этилди.

Бешёғоч қадимий ёзма манбаларда Зангиота даҳаси деб ҳам юритилган. Унинг чегараси шимолий-ғарбдан қуйи Бўзсув бўйлаб ҳозирги Уйғур ва Самарқанд дарвоза кўчалари оралиғидан, шарқ тарафдан Бешёғоч-Хадра йўналишлари бўйлаб, ҳозирги Фурқат кўчасидан ўтган. Даҳа ҳудудидаги ерлар нотекис, чуқур жарлик ва тепаликлардан иборат эди. Даҳада 1850 йилда Шайх Абдулқосим томонидан қурдирилган мадраса, Кўкмасжид, Сузукота, Хўжа Нуриддин, Зангиота ва Хўжа Аламбардор мақбаралари жойлашган. Тошкентнинг машҳур ўн икки дарвозасидан учтаси — Самарқанд, Комолон ва Бешёғоч дарвозалари ҳам шу даҳада жойлашган. Афсуски, бу дарвозалар чор қўшинлари босқинидан сўнг бузиб ташланган. Шунингдек, шаҳарнинг мудофаа деворлари ҳам бузилиб, унинг тупроғи янги қурилишлар ва ғишт қуйиш учун ишлатилган. Бўш қолган ерлар эса Бешёғоч майдони деб атала бошланган.

«Туркистон ўлкаси» йилномасининг 1876 йилдаги маълумотларига қараганда, даҳадаги 1400 та хонадонда 12450 нафар аҳоли истиқомат қилган. Бундан ташқари, 75 та масжид, 3 та мадраса, 32 та маҳалла, кўплаб ҳунармандчилик корхоналари, кулолчилик буюмлари ва ғишт пиширадиган хумдонлар, тандирсозлик дўконлари бўлган. Бешёғочлик қўлигул ҳунармандлар томонидан ясалган мис буюмлар, ўймакор ва сернақш эшиклар, сандиқлар халқ ўртасида машҳур бўлган. Шаҳарнинг энг яхши боғроғлари, узумзору олмазорлари ҳам шу даҳада жойлашган. Бу ерда, айниқса, аравасозлик жуда яхши ривожланган. Рус тадқиқотчиси Габбин бундан бир аср муқаддам Бешёғоч даҳаси ҳудуди ва унинг атрофларида юзга яқин аравасозлик устахоналари бўлгангини қайд этади.

XX аср бошларида даҳанинг Чорсу маҳалласида 20 та дурадгорлик устахонаси бўлиб, уларда ўймакор эшик ва дарвозалар, устун, панжара, бешик ва сандиқлар ясалган. Тошпўлат Аюбхўжаев, Олимхўжа Пошохўжаев, Мутал Турсунбоев, Мадалихўжа сингари усталар 1870 йилдан 1913 йилгача турли шаҳарларда ташкил этилган кўргазмаларда қатнашиб, олтин, кумуш, бронза нишонлари, диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланганлар.

Мустақиллик йилларида Бешёғоч майдони ва унинг атрофидаги эски бинолар таъмирланиб, янгилари қурилди. Навоий номидаги Миллий боғ, улкан кўприк, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси, қатор маъмурий, маданий иншоотлар, турар-жой бинолари, сайилгоҳ ва фавворалар бунёд этилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

1894 йилнинг 23 июнь куни Франция пойтахти Париж шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитаси ташкил этилган эди.

1948 йил Халқаро Олимпия қўмитасининг 42-сессиясида мазкур халқаро ташкилот тузилган кунни муносиб нишонлаш учун Олимпия югуриш кунини ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан Олимпия югуриш кунига бағишлаб пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган мусобақанинг финал босқичида тўрт ёшдан 85 ёшгача бўлган мингга яқин профессионал ва ҳаваскор спортчи қатнашди. Дунёдаги энг оммавий спорт тадбирларидан бири бўлган Олимпия югуриш кунининг Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган дастлабки босқичида ўттиз минг нафардан зиёд ҳамюртимиз стартга чикди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Кимки умрини мардлар хизмати учун сарфласа, умри ўтса ҳамки, абадий умр эгаси бўлади. Ўзингни шундайлардан узоқ тутма, бошинг кетса ҳам шу муддаони унутма. Умр — бевафодир; мардона ҳаёт — абадийдир.

Алишер НАВОИЙ

Барча истаклар олдига шундай саволни кўндаланг қўймоқ керак: хўш, истагим амалга ошгач, мен нимага эришаман? Истагимга эришолмасам-чи?

ЭПИКУР

Сен донишманднинг мана бу сўзларини тинглаганмисан? У ҳақиқатсеварларга шундай таълим беради: «Ўйламасдан қадам босиб, хатога йўл қўйган кас пушаймон бўлади. У доноллар наздида аҳмоққа, яқинлари наздида бегонага айланади».

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Умид — кўнгилдаги истакнинг рўёбга чиқишига ўзни ишонтирмоқ демак. Кўркув эса орзу-истаклар рўёбга чиқмаслигига ишонтирувчи руҳий мойилликдир.

Рене ДЕКАРТ

Утерянный гос.ордер № 06-01/4619 от 22.01.93г. о праве собственности на квартиру на имя Айрих Людмилы Дмитриевны считать не действительным.

O'zbekiston Davlat Jahon Tillari Universiteti томонидан 2003 йил 30 июнда Тўрахонова Насибага берилган В № 127940 рақамли Бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳафта давомида рўй бериши кутилаётган вазиятлар иродангиз ва сабр-тоқатингизни синовдан ўтказади. Натижанинг қандай бўлиши ўзингизга боғлиқ эканини унутмаган ҳолда иш тутинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Узоқ пайтдан буён сизни қийнаб келаётган муаммо ҳал бўлиб, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Унутманг, бундай кайфиятда янги ишга қўл уриш одатда омад келтиради.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Кутилаётган ҳафта сиз учун нисбатан осуда кечади. Ўзингизни бардам ҳис қилиб, яқинларингиз билан бирга бўлишга интиласиз. Соғлиғингиз ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўринг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Мазкур бурж вакилларига хос бўлган ғайрат ва шижоат ишда муваффақиятларга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун бекорчи нарсаларга чалғимай, имкониятларингиздан тўғри фойдалана билинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Анчадан буён муҳим ишга қўл уришни режалаштириб юрибсизми? Келаётган ҳафтада уни амалга ошириш учун қулай фурсат келади. Вақтни ва имкониятни бой берманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳафта сўнгида рўй бериши кутилаётган тасодифлар сизни бироз гангитиб қўйиши эҳтимолдан холи эмас. Ташвишланманг, ҳаммаси яхшилик билан тугайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Кўп йиллик меҳнатларингиз ҳамкасбларингиз томонидан эътироф этилади. Бу сизга янги ижодий режалар учун рағбат беради. Ҳаракатларингиз туфайли яхшигина моддий манфаатдорлик ҳам кўрасиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Иш жойингизда юз бериши кутилаётган муаммоли вазиятлар руҳиятингизга қаттиқ таъсир этиши мумкин. Яхшиси, кўп ғам ема, бағам ҳам юрма, нақлига амал қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Кўпроқ яқинларингиз ва дўстлар даврасида бўлишга ҳаракат қилинг. Шунда ёлғиз эмаслигингизни, кимгадир кераклигингизни ҳис қиласиз. Ишонч сизни янги марралар сари элтади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Келаётган ҳафтада яхши ва ёмон хабарлар эшитасиз. Ортиқча ҳисҳаяжонга берилманг. Ҳар қандай вазиятда оғирвазмин ва босиқ бўлишсиз учун фойдали эканини ёдда тутинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Мазкур бурж вакиллари келаётган ҳафтада кучли толиқиш ва ҳорғинликни ҳис этадилар. Уларга табиат қўйнида дам олиш, меҳмонга бориш тавсия этилади. Яхши режаларни ортга сурманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ҳафта бошида сизга даромадли иш таклиф этишлари мумкин. Мўмай даромадга учмаганингиз, етти ўлчаб, бир кесганингиз маъқул. Яхшиси, бу борада яқинларингиз билан бамаслаҳат иш тутинг.

Яна қўшиқ ҳақида...

Навоси ўзганики, ижроси БИЗНИКИМИ?

ёхуд плагиатликни ор билмаган айрим қўшиқчилар ҳақида

...Дилларни сел қилувчи ҳиндча оҳанг янграмоқда. Айни вақтда ойнаи жаҳонда ўша оҳангга мос қўшиқ ва кўриниш ўрнига ...ўзбекона лутф, ўзбекона тўй тасвири. Атрофда атласу адрас либослари ярашиқли ўзбек қизлари хиром айлайди. Беқасам тўнли йигитлар хизматда. Кайвони момолар ўзимизнинг миллий тўй либосидаги келинни «келин салом»га олиб чиқяптилар...

Ёш қўшиқчи Ҳожиакбарнинг телеэкран орқали анчадан буён қайта-қайта намойиш қилинаётган «Ассалому алайкум, салом ассалом» («Келинчак») номли мусиқали клипини томоша қилганлар гап нима ҳақда кетаётганини дарҳол англашади, албатта. Ҳинд мусиқасига қанчалик мафтун бўлмайлик, ўзимизнинг ўзбек наволари юракка яқинроқ, ҳарҳолда. Бошқаси майлику-я, лекин ҳеч бўлмаса, тўйбоп қўшиқларимиз миллий оҳангда бўлса қанийди?! Ўзбекона андиша, мулоҳаза устун келибми, томошабинга ниманики тақдим этишса, сабр-бардош билан тинглаб, томоша қилаверамиз. Ҳатто набираларимиз «Бобожон, ҳиндистонликларнинг тўйида ҳам ўзбекча қўшиқ айтиладими?» дея зийраклик билан берган саволига-да тўғри жавоб беришга истиҳола қиламиз. Миллий қўшиқчилик санъати, саҳна маданиятига нисбатан айрим санъаткорларнинг ҳурматсизлиги учун бирон чора қўллаш-ку хаёлимизнинг кўчасидан ҳам ўтмаган. Бу каби лоқайдлик эса барчамиз учун жуда қимматга тушмоқдаки, оқибатда ёшларимизнинг кўпчилиги аллақачон савиясиз, тутуруқсиз, яъни «қарс-вадаванг» товушлар ва пойинтар-сойинтар сўзлар йиғиндисидан иборат, ҳатто қўшиқ деб аташга тил бормайдиган алланима-балоларнинг мухлисига айланиб улгурди. Бугунги замонавий эстрада қўшиқлари ижрочси учун ҳам, тингловчиси учун ҳам қўшиқ матни мазмуни деярли аҳамиятсиз. Ҳар икки тоифа учун ҳам Навоийнинг «Келмади...»сидан кўра «Эшигингни олдида кутдим, кутдим, лекин чиқмадинг...» каби сўзлар тизимини ҳазм қилиш осонроққа ўхшайди.

Ачинарлиси шуки, баъзи таниқли, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган санъаткорларимиз ҳам хорижий қўшиқлар мусиқасидан кўчирмакашлик қилишдан ор қилмаяптилар, ҳатто бу борада энди қўшиқчилик оламига қадам қўяётган ёшларга «ўрнак» бўлмоқдалар. Айтайлик, Равшан Комиловдек таниқли қўшиқчининг мусиқали клипини томоша қилган мухлис, агарда, машҳур эрон хонандаси Афшининг «Дамочкажон-дамочка» қўшиғига олинган клипини кўрган бўлса борми, «оҳ» деб юбориши, бинобарин, мухлис сифатида Р.Комиловдан «совиши» аниқ. Чунки Р.Комилов нафақат хорижлик хонанданинг мусиқасини, балки қўшиқ клипида қўлланган ғояни ҳам ўзлаштириб, у ёқ-бу ёғига «жило» бергану, ўз ижод маҳсулига айлантирган-қўйган.

Кўчирмачилик маҳсули бўлган яна бир «мусиқий асар» Манзурага тегишли, яъни, унинг «Нимага?» номли қўшиғи мусиқаси ва клипининг баъзи бир кўринишлари эрон қўшиқчилари Комрон ва Ҳумайиннинг «Ман туро меҳом, унорo намехом» номли мусиқий клипидан олинган. Санъаткорлар сулоласи давомчиси Улуғбек Отажонов ўзининг «Ойбарчин» номли қўшиғига Комрон ва Ҳумайиннинг «Чашмани сиёҳ» қўшиғи мусиқасини «ёпиштиргани»дан ҳам қўшиқсевар мухлислар бехабар бўлса, ажабмас.

Ўзгаларнинг мусиқа боғидан «гул териш» бобида ҳозирча хонанда Анвар Санаевга тенг келадигани топилмаса керак. Унинг ижросидаги қўшиқларни тинглаб туриб, умуман, мазкур хонанда кўнгилочар нашрларимиз томонидан унга берилган таъриф — «Муҳаббат қуйчиси» деган номга муносибмикан, деган ўйга борасан, киши. Нима, муҳаббат мавзусида куйлаётган биргина А,Санаевми? Аслида хонанданинг мусиқий «бисоти» бу таърифнинг унга зўрмазўраки ёпиштирилганидан далолат. Бу «муҳаббат қуйчиси»нинг кўплаб қўшиқлари ҳинд, эрон ва турк мусиқасига ўзбекча матн киритилиб, «ижод» қилинган. Шинавандалар билиб қўйсинларки, хонанданинг «Жоним, сени жуда соғиндим» деб бошланувчи қўшиғи Бижан Муртазавийнинг «Ту аз кужо шукуфти?» қўшиғи мусиқаси асосида яратилган бўлса, «Эй, нозанин зебо ёр» қўшиғида эса эронлик хонанда Умеднинг «Эй, гули рўёи» номли қўшиғи мусиқаси айнан кўчирилган. Шунингдек, «Атиргуллар уздим мен» қўшиғи эронлик ҳофиз Муъиннинг «Маҳўр ғаме гузаштем» қўшиғи мусиқаси билан, «Муҳаббат» ҳамда «Бугун сенинг тўйинг кечаси» қўшиқлари ҳинд кинофильмларида янграган қўшиқлар мусиқаси билан «жонланган». Унинг кўчирмачилигидаги қўшиқлар талайгина: «Кўзлари моҳим менинг» («Ту қиблагоҳи мани»), «Келинчак» («Гуфтам худаме»), «Онажон» («Гиря кунам ё накунам»), «Она» («Лаҳзаҳоро»)... ва ҳоказо қўшиқлар рўйхатини анча давом эттириш мумкин. Бу ўринда қавс ичида А.Санаев томонидан мусиқаси ўзлаштирилган, аслида эронлик машҳур хонандалар ижодига мансуб қўшиқлар номини келтирдик. Агар мусиқий кўчирмакашлик қилинса борми, хонандамиз бу танловда ғолиб бўлиб, унинг номи балки Гиннеснинг рекордлар китобидан ҳам жой олар эди.

Анвар Санаев хонанда сифатида соҳир овоз ва ажойиб ижро маҳоратига эга. Хонанданинг ўзгалар меҳнати эвазига яратилган тайёр мусиқани ўзлаштириш ўрнига яхши шоир, моҳир бастакор билан ҳамкорлик қилмоғига нима халақит берар экан? Зеро, бундай ҳамкорлик ва соф ижод Анвар Санаевга ҳозиргидан анчайин кўпроқ обрў-эътибор ва мухлислар меҳрини келтирмасмиди?..

Ўзбек эстрада қўшиқчилигида аёл хонандалардан энг кўчирмакаши Мавлуда Асалхўжаева бўлса, эҳтимол. Бу хонанданинг эрон хонандаси Фаромарз, турк қўшиқчилари, айниқса, Таркан ижросидаги қўшиқлардан нусха олиши ҳеч ким учун «катта сир» ҳам эмас. Шу ўринда «Хўш, ўзбек эстрада хонандалари орасида у ёки бу хориж ижрочисидан кўчирмакашлик қилмагани борми ўзи? Қолаверса, деярли бутун дунё эстрада санъатида аҳвол шу-ку!» деган эътироз туғилиши мумкин. Тўғри, мусиқа ўғрилари санъаткорларимиз орасида бисёр. Аслида, бу мақолада ижодининг аксарият қисми кўчирмакашлик маҳсулидан иборат бўлиб қолган хонандалар ижоди ҳақида сўз юритиляпти, холос. Дунё эстрада санъатида санъаткорларнинг ижодий ҳамкорлиги юқори баҳоланади, кўчирмакашлик қилгани учун эса мусиқа ўғриси жавобгарликка тортилиши ҳам ҳеч гап эмас. Кўчирмакаш санъаткорлар эса бунинг учун дам-бадам ўткирсўз мусиқий танқидчиларнинг ўқига нишон бўлиб туришади. Муаллифлик ҳуқуқини таъминловчи тартиб-қоидаларга кўра, ўзга хонанда ижоди маҳсулини ўзлаштиришдан аввал унинг розилиги олиниши шарт.

Яхшиямки, замонавий техника тараққиёти туфайли дунёнинг исталган мамлакати қўшиқчисининг ижоди билан таниш бўлган ҳозирги тингловчи аслида ўзгалар ижодини бўяб-бежаб ўзлаштираётган баъзи хонандаларимиз ўйлаганчалик у қадар эътиборсиз эмас. Фақат бу ҳақда фикр-мулоҳаза айтишдан эринамиз, холос. Аслида нафақат бу масалада, ёшларимиз маънавиятига салбий таъсири бор ҳар қандай масала юзасидан «Менга нима, қўлимдан нима ҳам келарди?» қабилидаги лоқайдликдан воз кечишимиз керак.

Тингловчига яхши шеър ва хушоҳанг мусиқа асосида яратилган ва маромига етказиб қуйланган қўшиқ тақдим этиш — шарафли иш. Чунки бундай ҚЎШИҚ тингловчини комиллик сари етаклайди, руҳига маънавий қувват-мадор бўлади. Санъатнинг ҳар бир йўналиши, жумладан, қўшиқчилик ҳам оммани тарбияловчи восита эканлиги ҳар биримизга яхши аён. Демак, қўшиқчи-санъаткорнинг омма олдидаги масъулияти бизу сиз, уларнинг ўзи ўйлагандан анчагина катта ва залворлироқдир.

Эркин МУҚИМОВ,
Даврон ОРИПОВ.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Эргашева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 11 июнь 24 (626)

17190 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 05.10
1 2 3 4 5 6